

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТЕРАПИЯ ВА ТИББИЙ
РЕАБИЛИТАЦИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

УБАЙДУЛЛАЕВА ШАХЛО МАЖИДОВНА

**ҚАНДЛИ ДИАБЕТ 2 ТУРИ НЕГИЗИДА ЮРАК ИШЕМИК
КАСАЛЛИГИ БОР БЕМОРЛАРДА РЕВАСКУЛЯРИЗАЦИЯДАН
КЕЙИН МИОКАРДНИНГ МОРФОФУНКЦИОНАЛ ХОЛАТИ**

14.00.05 – Ички кассаликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Убайдуллаева Шахло Мажидовна

Қандли диабет 2 тури негизда юрак ишемик касаллиги бор беморларда реваскуляризациядан кейин миокарднинг морфофункционал ҳолати..... 3

Убайдуллаева Шахло Мажидовна

Морфофункциональное состояние миокарда после реваскуляризации у больных ишемической болезнью сердца на фоне сахарного диабета 2 типа 25

Ubaydullaeva Shakhlo Majidovna

Morphofunctional state of the myocardium after revascularization in patients with coronary artery disease on the background of type 2 diabetes mellitus 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works54

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТЕРАПИЯ ВА ТИББИЙ
РЕАБИЛИТАЦИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

УБАЙДУЛЛАЕВА ШАХЛО МАЖИДОВНА

**ҚАНДЛИ ДИАБЕТ 2 ТУРИ НЕГИЗИДА ЮРАК ИШЕМИК
КАСАЛЛИГИ БОР БЕМОРЛАРДА РЕВАСКУЛЯРИЗАЦИЯДАН
КЕЙИН МИОКАРДНИНГ МОРФОФУНКЦИОНАЛ ХОЛАТИ**

14.00.05 – Ички кассалıklar

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.2.PhD/Tib3510 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Аляви Баҳром Анисхонович
тиббиёт фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Нуриллаева Наргиза Мухтархановна
тиббиёт фанлар доктори, профессор

Мухамедова Муяссар Гафуржановна
тиббиёт фанлар доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарканд давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел/факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел/факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ кун тарқатилди.
(2025 йил «___» _____ даги № _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.Л. Аляви

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

КИРИШ (PhD диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Сўнги йилларда юрак-қон томир касалликларини (ЮҚТК) ўрганишга олимлар ва амалиётчи мутахассислар томонидан қизиқиш сезиларли даражада ортиб бормоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, ЮҚТК, жумладан, юрак ишемик касаллиги, дунё бўйлаб ўлимнинг асосий сабабларидан бири бўлиб қолмоқда. Бу касалликлар аҳоли саломатлиги ва фаровонлигига жиддий таъсир кўрсатибгина қолмай, соғлиқни сақлаш тизимлари учун катта иқтисодий юк ҳам ҳосил қилади. ЖССТ маълумотларига кўра, “ЮҚТК дунёдаги ўлим ҳолатларининг асосий сабабидир, ҳар йили 17 миллиондан ортиқ инсон ҳаётдан кўз юмади, шундан тахминан 7,4 миллиони юрак ишемик касаллиги туфайли рўй беради”, бу эса ушбу касалликни энг кенг тарқалган ЮҚТК шаклларида бирига айлантиради¹.

Дунё бўйлаб олимлар юрак ишемик касаллиги ва қандли диабет 2-тури билан оғриган ва ревазуляризациядан ўтган беморларда миокарднинг морфофункционал ўзгаришларини фаол ўрганмоқдалар. Қандли диабет 2 тури – атеросклероз ривожланиши ва кучайишининг мустақил хавф омили бўлиб, у коронар артерияларининг қаттиқ зарарланиши, кўп томирли стенозлар ҳосил бўлиши ва миокард ремоделланиши жараёнларининг ёмонлашувига олиб келади. Бу кўрсаткичлар натижаларни башорат қилиш ва даволаш тамойилларини танлашда муҳим аҳамиятга эга. Юрак ишемик касаллиги ва қандли диабет 2-тури мавжуд беморларда ревазуляризациядан кейинги морфофункционал ўзгаришлар, қисқарувчанлик фаолиятини пасайиши, эндотелий дисфункциясининг кучли ифодаланиши ва асоратлар ривожланиш хавфининг юқорилиги билан кечади. Бу эса кардиология учун масаланинг долзарблигини белгилаб беради. Дунёда, шу жумладан, юртимизда ҳам юрак ишемик касаллиги ва қандли диабет 2-тури бўлган беморларда ревазуляризациядан кейин миокарднинг тузилиш ва фаолиятини комплекс баҳолаш жуда муҳим ҳисобланади. Бу даволаш тамойилларини самарадорлигини ошириш, узоқ муддатли натижаларни яхшилаш ва қайта шифохонада ётиш хавфини камайтиришда зарур ҳисобланади. Ушбу йўналишдаги тадқиқотлар терапия ва иккинчи профилактикага шахсий ёндашувни жорий этиш, кардиологик ёрдам самарадорлигини ошириш имконини беради.

Юртимизда кардиология хизматини такомиллаштириш, ЮҚТКни барвақт аниқлаш ва самарали даволаш, беморлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва зарур дори-дармонлар билан таъминлаш мақсадида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси 2022–2026 йиллар учун” ҳужжатларида тиббий хизматлар сифатини ошириш бўйича вазифалар белгиланган. Шу нуқтаи назардан, ЮҚТКни самарали даволаш, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, ногиронлик ва ўлимни олдини олишга қаратилган инновацион технологияларни жорий этиш энг долзарб вазифалардан ҳисобланади².

¹ ЖССТ Статистик таҳлил, 2019.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПП–4891-сонли “Профилактик тиббий тадбирларни самарадорлигини ошириш ҳисобига аҳоли саломатлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2021 йил 27 сентябрдаги ПП–5199-сонли “Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2022 йил 26 январдаги ПП–103-сонли “ЮҚТКни олдини олиш ва самарали даволаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар ушбу диссертациянинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот мавзусининг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу диссертация иши Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VI-йўналиши — “Тиббиёт ва фармакология” бўйича устувор йўналишларига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳонда юрак ишемик касаллиги ва қандли диабет 2-тури мавжуд беморларда миокарднинг морфофункционал ўзгаришлари ЮҚТК асоратлари ривожланишининг асосий омилларидан бири сифатида эътироф этилган. Бу ҳолатлар касалликнинг оғир кечиши ва оқибатини ёмонлашишига олиб келади. Халқаро тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, юрак ишемик касаллиги ва қандли диабет 2-тури комбинацияси мавжуд бўлган беморларда тери орқали коронар аралашувдан (ТОКА) кейинги миокард ремоделланиши эндотелий дисфункцияси, микроциркуляция бузилиши ва метаболик ўзгаришлар туфайли секинлашган ҳолда кечади ва насос фаолиятининг тикланиши кечиккан бўлади (Paula P., 2024; Rohit W., 2022; Sangeetha P., 2023). Глобал бўйлама деформацияни (GLS) камайиши, қолдиқ ишемия ва стент рестенози хавфининг ортиши ушбу беморларда ноқулай оқибатларнинг муҳим башоратловчилари ҳисобланади.

Мустақил давлатлар ҳамдустлигида (МДХ) ҳам юрак ишемик касаллиги ва қандли диабет 2-тури мавжуд беморларда реваскуляризациядан кейин миокарднинг ҳолатини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар ўтказилган. Россияда миокард ремоделланишининг хусусиятлари таҳлил қилинган ва тери орқали коронар аралашувдан кейин юрак қисқарувчанлигининг пасайишига олиб келувчи асосий омиллар аниқланган (Смирнов И.В., 2023). Қозоғистонда GLS кўрсаткичи тери орқали коронар аралашувдан кейинги қайта шифохонага ётишлар ва асоратларни башорат қилишдаги аҳамияти ўрганилган (Тлеубаев А.К., 2022). Беларусда коронар томирларнинг кўп сонли зарарланиши ва метаболик бузилишларнинг миокард тикланишига таъсири таҳлил қилинган, шунингдек, жарроҳликдан кейинги даврдаги оптимал дори воситалари схемалари ишлаб чиқилган (Кравцов В.Н., 2023).

Ўзбекистонда ҳам юрак ишемик касаллиги ва қандли диабет 2-тури мавжуд беморларда миокарднинг морфофункционал ҳолатини баҳолаш бўйича бир қатор тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, тери орқали коронар аралашувдан кейин GLS кўрсаткичининг миокард тикланишини башорат

қилишдаги аҳамияти таҳлил қилинган (Раҳимов Ш.Т., 2023), миокард ремоделланишининг биокимёвий маркерлари ва уларнинг қайта шифохонада ётиш хавфини баҳолашдаги аҳамияти ўрганилган (Норматов У.К., 2023). Аммо коронар артерияларнинг кўп томирли шикастланишининг миокард ҳолатига таъсири ва асоратлар хавфини баҳолашдаги ўрнига оид масалалар тўлиқ очиқлигича қолмоқда.

Мавжуд илмий ишлар таҳлили асосида юрак ишемик касаллиги ва қандли диабет 2-тури мавжуд беморларда миокарднинг морфофункционал ўзгаришларини аниқлаш, тикланиш даражасини баҳолаш, даволаш тамойилларини ва оқибатини мувофиқлаштиришга қаратилган қўшимча тадқиқотларни Ўзбекистонда ҳам ўтказиш зарурлигини кўрсатади. Бунинг учун клиник, лаборатор, асбобий ва функционал баҳолаш усулларини қамраб олган комплекс ёндашув талаб этилади. GLS ва ремоделланиш кўрсаткичларининг тахминлаш қобилияти, қайта шифохонагача ётишлар олдини олиш ва шахсийлаштирилган даволаш усулларини танлашдаги аҳамияти бугунги кунда ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда.

Диссертация ишининг давлат дастурлари ва илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий-тадқиқот режаси асосида амалга оширилган.

Тадқиқот мақсади: юрак ишемик касаллиги ва қандли диабет 2-тури мавжуд беморларда тери орқали коронар аралашувдан кейин миокарднинг морфофункционал ҳолати хусусиятларини, глобал бўйлама деформация ва стандарт эхокардиографик кўрсаткичлар динамикасини, шунингдек, миокард функцияси тикланиши ва клиник натижаларга таъсир қилувчи хавф омилларини баҳолашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

қандли диабетнинг 2-тури бўлган беморларда тери орқали коронар аралашувдан сўнг юрак ишемик касаллигининг клиник кечишини гликемик назорат, коронар артерияларнинг шикастланиш даражаси ва стенокардия аломатлари динамикасини ҳисобга олган ҳолда баҳолаш;

юрак ишемик касаллиги ва қандли диабет 2-тури мавжуд беморларда тери орқали коронар аралашувдан олдин ва кейин миокарднинг морфофункционал ҳолатини ўрганиш, глобал бўйлама деформация ва чап қоринча қон отиш фракцияси динамикасини қиёсий таҳлил қилиш;

коронар артерияларнинг ангиографик шикастланиш хусусиятларининг реваскуляризация самарадорлиги ва миокард функциясининг тикланиш даражасига таъсирини аниқлаш;

тери орқали коронар аралашувдан кейинги узоқ муддатли клиник натижаларни баҳолаш, жумладан стенокардия функционал синфининг ўзгариши, қайта шифохонада ётиш сони ва глобал бўйлама деформация нинг ноқулай ҳолатларни башорат қилишдаги ролини аниқлаш.

Тадқиқот объекти сифатида юрак ишемик касаллигини бошидан кечирган, турли даражада қандли диабетнинг 2-турига эга бўлган, уларга тери орқали

коронар аралашуви ревакуляризацияси амалга оширилган 133 нафар бемор олинган.

Тадқиқот предмети сифатида юрак ишемик касаллиги ва қандли диабет 2-тури мавжуд беморларда ревакуляризациядан сўнг миокарднинг морфофункционал ҳолати, глобал бўйлама деформация (GLS) кўрсаткичи, коронар артерияларнинг ангиографик шикастланиши ва ноқулай оқибатлар хавфига таъсир қилувчи омиллар олинган.

Тадқиқот усуллари: клиник кўрик, электрокардиография, эхокардиография, спекл-трекинг эхокардиография, коронар артерияларнинг ангиографияси, статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

юрак ишемик касаллиги ва қандли диабет 2-тури мавжуд беморларда тери орқали коронар аралашувдан кейин спекл-трекинг эхокардиография орқали миокарднинг морфофункционал хусусиятлари, жумладан глобал бўйлама деформация аҳамияти аниқланган;

глобал бўйлама деформация кўрсаткичи қолдиқ ишемия, миокард ремоделланишининг илк белгилари ва юрак етишмовчилиги ривожланиш эҳтимолини башорат қилишда муҳим прогностик аҳамияти аниқланган;

гликемик назорат даражаси ва миокард фаолияти тикланиш динамикаси ўртасидаги боғлиқлик кўрсатилиб, тери орқали коронар аралашувдан кейинги узок муддатли прогностни ёмонлаштирувчи инсулинрезистентликнинг аҳамияти асосланган;

стандарт эхокардиографик кўрсаткичлар ёмонлашишидан аввал глобал бўйлама деформация ўзгариши уни ревакуляризациядан кейинги юрак функцияси бузилишини эрта аниқлашда истиқболли усул эканлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

миокард ремоделланиши кўрсаткичлари ва глобал бўйлама деформация камайиши каби морфофункционал ўзгаришлар тери орқали коронар аралашувдан кейин юрак ишемик касаллиги ва қандли диабет 2-тури мавжуд беморларда клиник натижаларни башорат қилишда муҳим аҳамиятга эга экани аниқланди;

қандли диабет 2-тури ва кўп томирли коронар шикастланиш мавжуд бўлган беморларда қайта госпитализациялар хавфи юқори, стенокардия функционал синф яхшиланиши кам ва миокард функцияси тикланиши секин кечиши кузатилди, бу эса бундай беморларнинг давомий кузатуви учун индивидуал ёндашувни талаб қилади.

Тадқиқот натижалари ишончлилиги: назарий ёндашувлар ва усулларни тадқиқотда қўллашнинг тўғрилиги, текширувларнинг аниқлиги, юрак ишемик касаллиги мавжуд беморларнинг етарли танлов ҳажми, клиник, биокимёвий, инструментал маълумотлардан олинган рақамли маълумотларга асосланган замонавий статистик усуллардан фойдаланиш, халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар, шунингдек назарий ва амалий тадқиқотларнинг етарлилиги ва амалий бажарилишидан олинган натижалар билан таққослаш ва оқилона баҳолаш орқали асосланади.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти:

тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти GLS динамикаси асосида юрак ишемик касаллиги ва қандли диабет 2-тури мавжуд беморларда тери орқали коронар аралашувдан кейин ноқулай оқибатлар хавфини стратификация қилиш мезонлари ишлаб чиқилди;

тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти юрак ишемик касаллиги ва қандли диабет 2-тури билан касалланган беморларда юрак қон-томир тизимидаги структур ва функционал ўзгаришларни эрта аниқлаш усулларини тиббиёт амалиётига жорий этиш худудий, ижтимоий ва иқтисодий омилларга қараб даволашнинг амалдаги тамойиллари ва стандартларини қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш имконини яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий этиш: юрак ишемик касаллиги ва қандли диабет 2-тури мавжуд беморларда миокарднинг морфо-функционал хусусиятларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: юрак ишемик касаллиги ва қандли диабет 2-тури мавжуд беморларда тер орқали коронар аралашувдан кейин спекл-трекинг эхокардиография орқали миокарднинг морфо-функционал хусусиятлари, жумладан глобал бўйлама деформация (GLS) аҳамияти аниқланганлиги Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Бухоро вилояти минтақавий филиали 21.11.2024 йилдаги 56-сонли, Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали 06.12.2024 йилдаги 254-сонли, Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий маркази 04.01.2025 йилдаги 01/наука-сонли ва Тошкент вилояти ихтисослаштирилган соматик касалликлар шифохонаси 24.03.2025 йил 56-сонли буйруқлар асосида амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий-техник кенгашининг 2025 йил 7 майдаги 17/01-сонли ҳулосаси). **Ижтимоий самарадорлиги:** миокарднинг морфо-функционал хусусиятлари баҳолаш юрак фаолиятини тикланишини башорат қилиш, реабилитация сифатини ошириш имконини беради. **Иқтисодий самарадорлиги:** тери орқали коронар аралашувдан кейин беморни кузатиш харажатлари камайиши, касалхонада ётиш кунларини қисқаришига олиб келади. **Хулоса:** GLS баҳолаш - миокард дисфункциясини эрта аниқлаш, даволашни индивидуаллаштириш ва соғлиқни сақлаш тизими харажатларини камайтиришда муҳим восита ҳисобланади.

иккинчи илмий янгилик: глобал бўйлама деформация кўрсаткичи қолдик ишемия, миокард ремоделиранишининг илк белгилари ва сурункали юрак етишмовчилиги (СЮЕ) ривожланиш эҳтимолини башорат қилишда муҳим прогностик аҳамиятга эга экани аниқланганлиги Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Бухоро вилояти минтақавий филиали 21.11.2024 йилдаги 56-сонли, Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали 06.12.2024 йилдаги 254-сонли, Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий маркази 04.01.2025 йилдаги 01/наука-сонли ва Тошкент вилояти ихтисослаштирилган соматик касалликлар шифохонаси 24.03.2025 йил 56-сонли

буйруқлар асосида амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий-техник кенгашининг 2025 йил 7 майдаги 17/01-сонли хулосаси). **Ижтимоий самарадорлиги:** GLS камайиши СЮЕ хавфи орасида тўғридан-тўғри боғлиқ экани аниқлаш имконини берди. **Иқтисодий самарадорлиги:** GLS асосида СЮЕнинг эрта аниқланиши даволаш самарадорлигини оширилди. **Хулоса:** GLS — тери орқали коронар аралашувдан кейин СЮЕ ва ремоделланишни эрта башорат қилишда калит маркер бўлиб, соғлиқни сақлаш харажатларини камайтиришда катта аҳамиятга эга.

учинчи илмий янгилик: гликемик назорат даражаси ва миокард функциясининг тикланиш динамикаси ўртасидаги боғлиқлик кўрасатилиб, тери орқали коронар аралашувдан кейинги узоқ муддатли прогнозни ёмонлаштирувчи инсулинрезистентликнинг аҳамияти асосланганлиги Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Бухоро вилояти минтақавий филиали 21.11.2024 йилдаги 56-сонли, Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали 06.12.2024 йилдаги 254-сонли, Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий маркази 04.01.2025 йилдаги 01/наука-сонли ва Тошкент вилояти ихтисослаштирилган соматик касалликлар шифохонаси 24.03.2025 йил 56-сонли буйруқлар асосида амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий-техник кенгашининг 2025 йил 7 майдаги 17/01-сонли хулосаси). **Ижтимоий самарадорлиги:** қондаги глюкоза даражаси юқори бўлган беморларда миокарднинг тикланишини секин кечиши, асоратлар хавфи ортиши аниқланиши имкони яратилди. **Иқтисодий самарадорлиги:** инсулинрезистентликни эрта бартараф этиш миокард тикланишини жадаллаштириб, унинг прогнозини яхшиланиши имконини берди. **Хулоса:** қондаги глюкоза назорати ва инсулинрезистентликни корекция қилиш тери орқали коронар аралашувдан кейинги узоқ муддатли прогнозни яхшилашга хизмат қилади.

тўрттинчи илмий янгилик: стандарт эхокардиографик кўрсаткичлар ёмонлашишидан аввал глобал бўйлама деформация ўзгариши уни реваскуляризациядан кейинги юрак функцияси бузилишини эрта аниқлашда истиқболли усул эканлиги асосланганлиги Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Бухоро вилояти минтақавий филиали 21.11.2024 йилдаги 56-сонли, Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали 06.12.2024 йилдаги 254-сонли, Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий маркази 04.01.2025 йилдаги 01/наука-сонли ва Тошкент вилояти ихтисослаштирилган соматик касалликлар шифохонаси 24.03.2025 йил 56-сонли буйруқлар асосида амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий-техник кенгашининг 2025 йил 7 майдаги 17/01-сонли хулосаси). **Ижтимоий самарадорлиги:** миокарднинг глобал бўйлама деформацияси дисфункцияси субклиник босқичда аниқлаш ва даволашни ўз вақтида бошлашда муҳимлигини кўрсатиб беради. **Иқтисодий самарадорлиги:** бу усул юрак касалликлари хавфини пасайтириш, ҳаёт сифатини яхшилаш, терапия самарадорлигини

ошириш имконини беради. **Хулоса:** миокарднинг глобал бўйлама деформацияси кўрсаткичи – миокард дисфункциясини эрта аниқлаш, асоратларни камайтириш ва соғлиқни сақлаш тизими харажатларини оптималлаштиришда муҳим ўрин эгаллайди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси: Тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий конференцияда муҳокама қилинди, шулардан 2 таси халқаро, 6 таси республика миқёсидаги анжуманларда тақдим этилди.

Тадқиқот натижаларининг нашр этилиши: Диссертация мавзуси бўйича жами 15 илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини нашр этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми: Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, амалий тавсиялар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган. Диссертация ҳажми 120 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва амалий эҳтиёжлиги асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари белгилаб берилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, ушбу тадқиқотнинг Республикадаги илм-фан ва технология ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилик ва амалий натижалар, уларнинг илмий ва амалиётдаги аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, чоп этилган ишлар ҳақида маълумотлар ва диссертация тузилиши баён этилган.

Диссертациянинг биринчи бобида — «Қандли диабетнинг 2 тури негизида юрак ишемик касаллиги бор беморларда ревакскуляризациядан сўнг миокарднинг морфофункционал ҳолати» мавзусидаги миллий ва халқаро адабиётларнинг шарҳи келтирилган. Бобда мавзу бўйича муаммонинг замонавий ҳолати таҳлил қилинган, ЮИК эпидемиологияси, патогенези, клиник кўринишлари, диагностика ва даволашнинг асосий усуллари ёритилган, шунингдек, қандли диабетнинг 2 тури хусусиятлари баён этилган. Шу билан бирга, янада чуқур ўрганишни талаб қилувчи масалалар аниқланиб, ишнинг долзарблиги асослаб берилган.

Иккинчи боб — «Клиник материалнинг умумий тавсифи ва тадқиқот усуллари»да тадқиқот объекти, предмети ва қўлланган усуллар, жумладан, статистик таҳлил усуллари баён этилган.

Тадқиқотда 133 нафар юрак ишемик касаллиги (ЮИК) бўлган беморлар иштирок этган. Улар 2 та гуруҳга ажратилган: 1-гуруҳ — ЮИК ва ҚД2 бўлган беморлар, 2-гуруҳ — ЮИК бўлса-да, ҚД2 бўлмаган беморлар.

Барча гуруҳ беморларида қуйидаги кўрсаткичлар ўзаро солиштирилди: кўкрак қафасидаги оғриқ хусусиятлари, ЮИК учун анъанавий хавф омилларининг тарқалиши (жинси, ёши, ирсий омиллар, чекиш, ҚД2 мавжудлиги, гипертония, липид спектри, тана массаси индекси), эхокардиографик

маълумотлар (чап қоринчадан қон отиш фракцияси — ЧҚ ҚОФ, глобал бўйлама деформация — GLS, юрак бўшлиқлари ўлчамлари), коронар артерияларнинг ангиографик хусусиятлари (кўп томирли шикастланиш, стеноз локализацияси ва узунлиги).

Барча беморларда лаборатор таҳлиллар ўтказилган: умумий қон таҳлили, биокимёвий кўрсаткичлар (глюкоза, гликирланган гемоглобин — HbA1c, инсулин, билирубин, креатинин, мочевино), коптокчалар филтрацияси тезлиги (КФТ), липид профили ва коагулограмма.

Юракнинг систолик ва диастолик функцияси стандарт трансторакал ЭхоКГ орқали, шу жумладан, спекл-трекинг ЭхоКГ технологияси ёрдамида GLS кўрсаткичи орқали баҳоланган. Бу баҳолашлар тери орқали коронар аралашувдан олди ва 6 ойдан сўнг амалга оширилган. Ангиографик баҳолаш жараёнида шикастланган коронар артериялар сони ва стеноз даражаси аниқланган.

Ҳамма олинган маълумотлар Microsoft Excel ва Statistica 6.0 дастурлари ёрдамида вариацион статистика усули билан таҳлил қилинган. Тақсимотнинг нормаллигини Шапиро-Уилк мезони билан текширилган. Гуруҳлар ўртасидаги миқдорий фарқлар Стюдентнинг t-критерийси, нормал тақсимот бўлмаган ҳолларда эса Манн-Уитни ва Краскел–Уоллис тестлари билан баҳоланган. Категорияли кўрсаткичлар χ^2 Пирсон критерийси орқали баҳоланган. Корреляция алоқалари Пирсон корреляция коэффиценти билан аниқланган. MACE ривожланиш хавфига таъсир этувчи омиллар бир ва кўп омилли логистик регрессия таҳлили орқали, Odds Ratio ва 95% ишончли интерваллар ҳисоблаш орқали баҳоланган. $p < 0,05$ бўлганда фарқ статистик аҳамиятли деб қабул қилинган.

Учинчи боб «Қандли диабетнинг 2 тури негизда ЮИБ бор беморларда реваскуляризациядан кейин миокард морфофункционал ҳолатини клиник ва лаборатор баҳолаш» деб номланган, бунда беморларнинг функционал ҳолати, гемодинамик параметрлар, GLS, ЧҚ ҚОФ, ва юрак тузилишининг қайта шаклланиш кўрсаткичлари баён этилган. Шунга қўшимча равишда, глюкоза, HbA1c, буйрак функцияси ва коагуляция тизими билан боғлиқ кўрсаткичлар ҳам таҳлил қилинган.

Алоҳида эътибор GLS кўрсаткичини 2-тур диабетли ЮИК беморларда миокард дисфункциясининг эрта белги сифатида баҳолашга қаратилиган. GLSнинг тери орқали коронар аралашувдан олди ва 6 ойдан кейинги ҳолати солиштирилган. Беморлар GLSнинг бошланғич даражаси ва динамикаси ҳамда коронар тизим зарарланиши сони бўйича подгруппаларга ажратилган.

Тўртинчи боб «Қандли диабетнинг 2 тури негизда ЮИК бор беморларда хавфни стратификация қилиш» — бобда кузатув даврида рўй берган MACE ҳолатлари таҳлил қилинган ва прогноз ёмонлашуви билан боғлиқ хавф омиллари аниқланган.

Касаллик оғирлигининг муҳим мезонларидан бири сифатида охириги 6 ойда кузатилган ангиноз оғриқлар, нафас қисилиши ва қайта-қайта шифохонага ётқизиши ҳолатлари баҳоланди. Бу ҳолатлар касалликнинг барқарорлик

даражасини ҳамда беморларнинг тиббий ёрдамга қайта муурожаат қилиш эҳтиёжини акс эттиради. Қўшимча равишда электрокардиографик маълумотлар таҳлил қилинди. Жумладан, Т тишчасининг инверсияси каби кўрсаткичларга эътибор қаратилди, бу миокард ишемиясининг маркери сифатида қаралади ва юрак мушаги тўқималарида гипоксия кучли эканлигидан далолат беради (1-жадвал).

1-жадвал

Юрак ишемик касаллиги бўлган текширилган беморларнинг бошланғич клиник кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	ТОКАгача		ТОКАдан кейин	
	1-чи группа (N=65)	2-чи группа (N=68)	1-чи группа (N=65)	2-чи группа (N=68)
стенокардия ФС I	-	-	46 (70,76%)	43 (63,23%)
стенокардия ФС II	28 (43,08%)	25 (36,76%)	18 (27,7%)	20 (29,41%)
стенокардия ФС III	37 (56,92%)	43 (63,24%)	1(1,54%)**	3 (22,67%)**
стенокардия ФС IV	-	-	-	2 (2,94%)
НУНА I ФС	27 (41,54%)*	25 (36,76%)	53(81,54%)	47(69,12%)
НУНА II ФС	36 (55,38%)	39 (57,35%)	12(18,56%)	19(27,94%)
НУНА III ФС	2 (3,08%)	4 (5,88%)	-	2(2,94%)
НУНА IV ФС	-	-	-	-
Ангиноз оғриқлар	48(73,85%)	44(64,1%)	9(13,84%)*	5(7,35%)*
Хансираш (диспноэ)	42 (64,62%)	59(86,76%)	4(6,15%)**	6(8,82%)*
ЭКГда Т тишчаси инверсияси	42(64,62%)	51(75%)	4(6,15%)*	7(10,29%)*

Изох: * $P < 0,05$; ** $P < 0,01$

Бошланғич клиник хусусиятларни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, тери орқали коронар аралашув амалга оширилишидан олдин хар икки гуруҳдаги беморлар орасида III функционал тоифадаги зуриқиш стенокардия устунлик қилган. 1-гуруҳда (ЮИК ҚД2сиз) бу кўрсаткич 56,92% ни, 2-гуруҳда (ЮИК + ҚД2) эса 63,24% ни ташкил этган бўлиб, бу миокард ишемиясининг юқори даражасини акс эттиради. Аралашувдан сўнг III ФКдаги беморлар улуши сезиларли даражада камайди: 1-гуруҳда 1,54% ва 2-гуруҳда 4,41% гача, бунда беморларнинг катта қисми I ФКга ўтган (70,76% ва 63,23% мос равишда), бу эса клиник ҳолатнинг аниқ яхшиланишини тасдиқлайди.

Шу билан бирга, НУНА классификацияси бўйича юрак етишмовчилиги функционал тоифаларида ҳам шунга ўхшаш ижобий динамика кузатилди. ТОКАгача беморларнинг кўпчилиги II ФСда бўлган (55,38% ва 57,35%), оз қисми эса III ФСда (3,08% ва 5,88%). Аралашувдан сўнг 1-гуруҳдаги

беморларнинг 80% дан ортиғи ва 2-гуруҳдаги беморларнинг қарийб 70% I ФСга ўтган, III ФСдаги беморлар эса 1-гуруҳда йўқолган ва 2-гуруҳда 2,94% ни ташкил этган. Бу жисмоний юкламага толерантликнинг тикланиши ва гемодинамик барқарорлашувдан далолат беради.

Ангиноз оғриқлар ҳам ҳар икки гуруҳда жиддий камайган: тери орқали коронар аралашувгача оғриқ 73,85% ва 64,1% беморда кузатилган бўлса, 6 ойдан сўнг ушбу симптом фақат 13,84% ва 7,35% беморда сақланган ($p < 0,05$), бу эса тери орқали коронар аралашувнинг барқарор антиангинал самарасини тасдиқлайди.

Юрак етишмовчилигининг белгиси сифатида нафас қисилиши ҳолати ҳам аниқ камайган. тери орқали коронар аралашув олдидан хансираш 1-гуруҳда 64,62% ва 2-гуруҳда 86,76% беморда кузатилган бўлса, тери орқали коронар аралашувдан сўнг бу симптом фақат 6,15% ва 8,82% беморда сақланган ($p < 0,01$ ва $p < 0,05$), бу ички юрак гемодинамикаси барқарорлашганидан далолат беради.

ЭКГ кўрсаткичларини таҳлил қилиш Т тишчаси инверсияси ҳолатларининг ишончли даражада камайганини кўрсатди. тери орқали коронар аралашувгача ишемия белгилари 64,62% ва 75% беморда кузатилган бўлса, 6 ойдан сўнг бу кўрсаткич фақат 6,15% ва 10,29% беморда қайд этилган ($p < 0,05$), бу реполяризация жараёнларининг яхшиланиши ва коронар қон айланиш тикланганини англатади.

Тери орқали коронар аралашув амалга оширилиши юрак ишемик касаллиги ва ҚД2 бор бўлган беморларда лаборатор ҳамда биокимёвий кўрсаткичларга ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Аралашувдан сўнг 1 кун ичида реперфузия синдроми, яллиғланишга жавоб реакцияси ва гемодинамик ўзгаришлар билан боғлиқ вақтинчалик ўзгаришлар кузатилган. Узоқ муддатли натижаларга кўра, 6 ойдан сўнг бир қатор метаболик кўрсаткичларда яхшиланиш қайд этилган — жигар ферментлари барқарорлашган, глюкоза даражаси пасайган ва буйрак функциялари қисман тикланган (2-жадвал).

2-жадвал

Тери орқали коронар аралашувдан сўнг лаборатор кўрсаткичлар динамикаси

Кўрсаткичлар	ТОКАдан олдин	ТОКАдан сўнг 1-кун	ТОКАдан сўнг 6-ой	Яхшилаш (%)
АЛТ (Ед/л)	33,84 ± 0,21	41,12 ± 2,3	29,74 ± 1,9	12,1%
АСТ (Ед/л)	30,15 ± 3,15	38,22 ± 2,7	26,41 ± 2,1	12,4%
Глюкоза (ммоль/л)	9,14 ± 0,4*	8,97 ± 0,38	7,62 ± 0,35	16,6%
Мочевина (ммоль/л)	5,73 ± 0,34	6,12 ± 0,39	5,61 ± 0,31**	2,1%
Креатинин (мкмоль/л)	87,18 ± 3,1	88,74 ± 3,6	85,12 ± 2,9	2,3%
КФТ (мл/мин/1,73 м ²)	77,64 ± 2,13	74,89 ± 2,01*	79,72 ± 2,22	2,7%

Изох: * $P < 0,05$; ** $P < 0,01$

Жигар ферментларининг фаоллигини баҳолаш натижаларига кўра, тери орқали коронар аралашувдан сўнг 1-куннинг ўзида аланинаминотрансфераза (АЛТ) ва аспартатаминотрансфераза (АСТ) даражаларида вақтинчалик ўсиш кузатилди. Хусусан, АЛТ даражаси $33,84 \pm 0,21$ дан $41,12 \pm 2,3$ Ед/л гача, АСТ эса $30,15 \pm 3,15$ дан $38,22 \pm 2,7$ Ед/л гача кўтарилган. Бу ўсиш эҳтимол реперфузия синдроми билан боғлиқ бўлиб, узоқ муддатли ишемиядан сўнг қон айланишининг тикланиши орқали юзага келади. Аммо, тери орқали коронар аралашувдан 6 ой ўтгач, жигар ферментлари даражаси пасайиб, АЛТ $29,74 \pm 1,9$ Ед/л ва АСТ $26,41 \pm 2,1$ Ед/л ни ташкил этди, бу эса жигардаги метаболик жараёнларнинг барқарорлашганини кўрсатади.

Карбогидрат алмашинуви кўрсаткичлари ҳам ижобий динамикани намоён қилди. Тери орқали коронар аралашувдан сўнг 1-кунг глицерин даражасида оз миқдорда пасайиш кузатилди ($9,14 \pm 0,4$ дан $8,97 \pm 0,38$ ммоль/л гача), бу коронар қон айланишининг яхшиланиши ва ишемик стресс даражасининг камайиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. 6 ойдан сўнг глицерин даражаси $7,62 \pm 0,35$ ммоль/л гача тушди, бу 16,6% яхшиланишни англатади. Бу ҳолат тўқималарнинг инсулинга сезувчанлигининг ошганини кўрсатади, бу эса ҚД2 бўлган беморлар учун айниқса аҳамиятлидир.


Буйрак функцияларининг таҳлили тери орқали коронар аралашувдан сўнг қисқа муддатли ўзгаришларни кўрсатди. 1-кунда мочевина даражаси $5,73 \pm 0,34$ дан $6,12 \pm 0,39$ ммоль/л гача, креатинин эса $87,18 \pm 3,1$ дан $88,74 \pm 3,6$ мкмоль/л гача кўтарилди. Бу ўзгаришлар гемодинамик қайтасозлаш ва эрта операциядан сўнг буйрак перфузиясининг вақтинча пасайиши билан изоҳланади. 6 ойдан сўнг эса бу кўрсаткичлар нормаллашиб, мочевина $5,61 \pm 0,31$ ммоль/л, креатинин эса $85,12 \pm 2,9$ мкмоль/л ни ташкил этди, бу эса буйрак гемодинамикаси тикланганини кўрсатади.

Коптокчалар фильтрация тезлиги (КФТ) ТОКАдан сўнг 1-кунда $77,64 \pm 2,13$ дан $74,89 \pm 2,01$ мл/мин/1,73 м² гача пасайди, бу эҳтимол буйракдаги вақтинча юкланиш билан боғлиқ. Аммо 6 ойдан сўнг КФТ $79,72 \pm 2,22$ мл/мин/1,73 м² гача кўтарилди, бу эса буйрак қон айланишининг яхшиланишидан далолат беради. Бу ҳолат ҚД2 бўлган беморлар учун катта аҳамиятга эга, чунки буйрак функцияларининг бузилиши юрак ишемик касаллиги учун салбий прогноз белгиларидан бири ҳисобланади.

Шундай қилиб, лаборатор кўрсаткичлар таҳлили тери орқали коронар аралашув амалга оширилгандан сўнг юрак ишемик касаллиги ва ҚД2 бўлган беморларда метаболик жараёнларга сезиларли таъсир кўрсатаётганини кўрсатди. Эрта операциядан сўнг жигар ферментларида вақтинчалик ўсиш, буйрак функцияларида транзитор ўзгаришлар ва глицерин даражасида кам миқдорда пасайиш қайд этилди. Бироқ, 6 ой ўтиши билан карбогидрат алмашинуви яхшиланди, АЛТ ва АСТ даражалари нормаллашди ва буйрак функциялари тикланди. Бу маълумотлар тери орқали коронар аралашувнинг нафақат коронар қон айланишини яхшилашда, балки умумий метаболик ҳолатни барқарорлаштиришда ҳам ижобий самара берганини тасдиқлайди, бу

эса касалликнинг бирга кечувчи шакллари бўлган беморларни бошқаришда муҳим аҳамиятга эга.

Метаболик параметрлар динамикасининг таҳлили эрта ва кечки даврларда ижобий ўзгаришларни намоён этди. Тери орқали коронар аралашувдан сўнг 1-куни глюкоза даражасида $9,14 \pm 0,4$ дан $8,72 \pm 0,35$ ммоль/л гача тушиш кузатилди, бу тўқималар перфузиясининг яхшиланиши, стресс гормонлар даражасининг камайиши ва метаболик назоратнинг қисман нормаллашуви билан боғлиқ бўлиши мумкин. Энг муҳим ўзгаришлар эса 6 ойдан сўнг қайд этилди — глюкоза даражаси $7,51 \pm 0,31$ ммоль/л гача тушди (17,8% яхшиланиш). Шу билан бирга, гликозилланган гемоглобин (HbA1C) даражаси ҳам пасайиб борди: 1-куни $8,61 \pm 0,47\%$ бўлса, 6 ойдан сўнг $7,83 \pm 0,42\%$ ни ташкил этди, бу эса 12,2% пасайишни англатади. Бу кўрсаткичлар диабет билан касалланган беморларда гликемик назоратнинг барқарор яхшиланишини кўрсатади (Диаграмма 1).



1-диаграмма. Тери орқали коронар аралашувдан сўнг углевод алмашинуви кўрсаткичларининг динамикаси

Тери орқали коронар аралашувдан сўнг инсулин даражасининг пасайиши ҳам аниқ тенденцияга эга бўлди. Аллақачон реваскуляризациядан 1 кун ўтгач, унинг концентрацияси $29,84 \pm 1,12$ мкЕД/мл гача тушди, 6 ойдан сўнг эса $24,31 \pm 1,05$ мкЕД/мл ни ташкил қилди, бу бошланғич даражадан 24,3% камайганини кўрсатади. Бу жараён НОМА-IR индексидаги аниқ пасайиш билан бирга кечди: 1 кундан сўнг кўрсаткич $13,27 \pm 1,41$ гача камайди, 6 ойдан сўнг эса $10,21 \pm 1,18$ гача тушиб, бу бошланғич даражадан 33,5% камайганини кўрсатади. Ушбу ҳолат инсулинга чидамлилиқнинг камайиши ва гормонал мувозанатнинг яхшиланишини англатади, бу эса коронар қон айланишининг яхшиланиши, яллиғланиш реакциясининг пасайиши ва периферик микроциркуляциянинг нормаллашуви билан изоҳланади.

Шу тарзда, амалга оширилган реваскуляризация ЮИК ва 2 турдаги қандли диабет билан оғриган беморларда углевод алмашинуви

кўрсаткичларига сезиларли таъсир кўрсатди. Эрта операциядан кейин глюкоза ва инсулин даражаларида озгина пасайиш қайд этилган бўлса-да, 6 ойдан сўнг метаболик назоратда муҳим яхшиланиш кузатилди, бу эса НbA1C ва НОМА-IR индекси даражаларининг пасайиши билан тасдиқланди. Бу ҳолат тўқималарнинг инсулинга сезувчанлигининг қисман тикланганини кўрсатади, бу эса тўқима перфузиясининг яхшиланиши ва узоқ муддатли ишемик юклама камайиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Ушбу натижалар тери орқали коронар аралашувнинг аҳамияти фақат коронар қон айланишини тиклашда эмас, балки ҚД2 бўлган беморларда умумий метаболик жараёнларни нормаллаштиришда ҳам муҳим эканини тасдиқлайди. Углевод алмашинувининг яхшиланиши атеросклерознинг прогресслашиши хавфини камайтириш ва микроконтмир асоратларининг ривожланишини секинлаштиришга ёрдам беради, бу эса ушбу беморлар тоифасини комплекс бошқариш зарурлигини янада таъкидлайди.

Чап қоринчанинг функционал ҳолати динамикаси таҳлили тери орқали коронар аралашувдан кейин юракнинг насос функцияси параметрларида эрта ва кечки операциядан кейинги даврларда сезиларли ўзгаришларни намоён этди. Ўтказилган эхокардиографик баҳолашга чап қоринчанинг систолик (ЯСХ) ва диастолик (ЯДХ) ҳажмлари, зарбий ҳажми (ЗХ), қон отиш фракцияси (ЧҚ ҚОФ), шунингдек, гипокинезия зоналарининг мавжудлиги каби кўрсаткичлар киритилган (3-жадвал).

3- жадвал


Тери орқали коронар аралашувдан сўнг чап қоринчанинг функционал кўрсаткичлари динамикаси

Кўрсаткичлар	ТОКАдан олдин		ТОКАдан сўнг 1-кун		ТОКАдан сўнг 6-ой	
	1 ГР	2ГР	1 ГР	2 ГР	1ГР	2 ГР
ЯДХ ЧҚ (мл)	108,07 ±2,46	102,13 ±2,78*	107,48 ±2,33	101,70 ±2,69*	99,29 ±1,99	95,96 ±2,18*
ЯСХ ЧҚ (мл)	45,56 ±1,14	44,43 ±1,24	45,30 ±1,02	43,51 ±1,15	39,57 ±0,84	39,32 ±0,88
ЗХ (мл)	62,33 ±1,39	58,66 ±1,66	61,90 ±1,33	58,19 ±1,59	59,72 ±1,20	56,64 ±1,33
ЧҚ ҚОФ, (%)	57,89 ±0,27	56,92 ±0,3*	58,08 ±0,16	57,18 ±0,21*	60,17 ±0,22	58,97 ±0,20*
Яхшиланиш фоизи			-	0,46%	3,98%	3,03%
Гипокинезия зоналари	-	-	-	-	-	-

Изох: *P<0,05; **P<0,01

Олинган маълумотлар тери орқали коронар аралашувдан сўнг 6 ой ўтгач чап қоринчанинг қисқариш қобилиятида ижобий динамикани намоён этди, бу

эса чап қоринчанинг чиқариш фракциясининг яхшиланиши ва систолик ҳамда диастолик ҳажмларнинг камайишида (Диаграмма 2) акс этди.



2-диаграмма. Тери орқали коронар аралашувдан олдин ва кейин ЭхоКГ кўрсаткичларидаги ўзгаришлар.

Чап қоринчани якуний диастолик ҳажми (ЯДХ) диастола фазасида унинг тўлиши даражасини акс эттиради ва тери орқали коронар аралашувдан кейин 1 сутка ўтгач, бошланғич кўрсаткичлар билан солиштирилганда деярли ўзгармасдан қолди: биринчи гуруҳда $107,48 \pm 2,33$ мл, иккинчи гуруҳда эса $101,70 \pm 2,69$ мл. Бироқ 6 ойдан сўнг бу кўрсаткичда ишончли пасайиш кузатилди: тегишлича $99,29 \pm 1,99$ мл ва $95,96 \pm 2,18$ мл, бу чап қоринчанинг геометрик структураси нормаллашаётганини ва диастолик фаолиятини яхшиланганини кўрсатади.

Чап қоринчанинг якуний систолик ҳажми (ЯСХ) ҳам ижобий динамикани намоён этди. Тери орқали коронар аралашувдан кейин 1 суткада ЯСХ биринчи гуруҳда 0,57%, иккинчисида эса 2,07%га камайди. 6 ойдан сўнг эса бу кўрсаткич тегишлича $39,57 \pm 0,84$ мл ва $39,32 \pm 0,88$ млга етиб, систолик функциянинг яхшиланиши ва систоладан сўнг қоладиган қон ҳажми камайганини тасдиқлайди. Бу ҳолат тери орқали коронар аралашув самарадорлигининг муҳим белгисидир.

Зарбий ҳажм (ЗХ) кўрсаткичлари ҳам шунга ўхшаш ўзгаришларни кўрсатди. Эрта амалиётдан кейин сезиларли фарқ қайд этилмаган бўлса-да, 6 ойдан сўнг ЗХ диабетсиз беморларда $59,72 \pm 1,20$ мл, ҚД2ли беморларда эса $56,64 \pm 1,33$ млгача камайди. Бу ЯДХнинг пасайиши ва тикланган коронар оқимга миокарднинг мослашуви билан боғлиқ бўлиши мумкин.

ЧҚ қон отиш фракцияси (ҚОФ), юракнинг насос функциясини ифода қилувчи асосий кўрсаткич ҳисобланади. Тери орқали коронар аралашувдан сўнг дастлабки 1 суткада бу кўрсаткич деярли ўзгармасдан қолди: тегишлича $58,08 \pm 0,16\%$ ва $57,18 \pm 0,21\%$. Бироқ 6 ойдан сўнг ҚОФ да сезиларли ўсиш қайд этилди. Диабетсиз беморларда ҚОФ 3,98%га ошиб, $60,17 \pm 0,22\%$ га етди, ҚД2ли беморларда эса 3,03%га ($58,97 \pm 0,20\%$) кўтарилди. Ҳар қанча кам бўлмасин, ҚОФдаги ўсиш метаболик бузилишлар билан боғлиқ миокард функциясининг яхшиланишини кўрсатади.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, тери орқали коронар аралашувдан кейин ҳар икки гуруҳда гипокинезия ҳудудлари аниқланмади. Бу тикланган коронар қон айланиши самарали бўлганини ва постишемик миокард шикастланиши кузатилмаганини кўрсатади.

Шу тарзда, олиб борилган таҳлиллар тери орқали коронар аралашув чап қоринчанинг насос функциясига ижобий таъсир кўрсатишини кўрсатди. Бу ҚОФнинг ошиши, ЯСХнинг камайиши ва ЯДХнинг босқичма-босқич нормаллашуви орқали ифода этилди. Диабетсиз беморларда бундай ўзгаришлар янада аниқроқ бўлса-да, ҚД2ли беморларда ҳам ижобий динамика кузатилди. ҚД2 миокард ремоделланишининг ва юрак етишмовчилиги ривожланишининг хавф омилларидан бири бўлгани учун, функционал ҳолатнинг яхшиланиши тери орқали коронар аралашувнинг самарадорлигини тасдиқлайди. Бундай ўзгаришларнинг узоқ муддатли сақланишини баҳолаш учун келгуси тадқиқотларда кузатув муддатини узайтириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Чап қоринчанинг глобал бўйлама деформацияси (GLS) миокарднинг узунлама қисқаришини ва унинг умумий систолик қобилиятини ифода этади. GLSнинг пасайиши ҳатто нормал ҚОФ бўлган ҳолларда ҳам субклиник систолик дисфункция мавжудлигини кўрсатади. Шу боис, ушбу кўрсаткич ЮИК ва ҚД2ли беморларда миокард функциясини баҳолашда муҳим аҳамият касб этади (4-жадвал).

4 -жадвал

Икки ўлчовли спекл-трекинг эхокардиография кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	ТОКАдан олдин		ТОКАдан сўнг 1-кун		ТОКАдан сўнг 6-ой	
	1 ГР	2 ГР	1 ГР	2 ГР	1 ГР	2 ГР
GLS (%)	-16,49 ±0,15	-15,51 ±0,19	-16,77 ±0,15*	-15,70 ±0,19*	-17,79 ±0,15*	-16,43 ±0,19*
Яхшиланиш фоизи			1,67%	1,22%	5,74%	4,45%

Изох: * $P < 0,05$;

Тери орқали коронар аралашувгача GLS кўрсаткичлари барча беморларда пасайган бўлиб, бу субклиник систолик дисфункция мавжудлигини кўрсатди. 1-группа (ҚД2сиз ЮИК бўлганлар) беморларда ўртача GLS $-16,49 \pm 0,15\%$ ни ташкил этди, 2-группа (ҚД2 бор) беморларда эса бу кўрсаткич $-15,51 \pm 0,19\%$ бўлиб, миокарднинг узунлама қисқариш функциясида кўпроқ бузилишлар мавжудлигини кўрсатди. Бу ҳолат ҚД2 билан касалланган беморларда характерли бўлган микроциркулятор дисфункция, оксидланиш стресси ва кардиомиоцитларда энергия алмашинувининг бузилиши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Тери орқали коронар аралашувдан 1 сутка ўтгач, ҳар иккала гуруҳда ҳам миокарднинг узунлама деформациясида оз миқдорда яхшиланиш кузатилди. 1-группа беморларида GLS $-16,77 \pm 0,15\%$ гача ошди (+1,67%), 2-группа беморларида эса $-15,70 \pm 0,19\%$ гача (+1,22%) яхшиланди. Бу перфузиянинг яхшиланиши ва коронар қон айланишининг тикланиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бироқ, бу ўсиш ортиқча эмас эди, чунки миокард ремоделлашувининг илк босқичлари ҳали тўлиқ тугалланмаган эди.

GLS кўрсаткичларидаги энг яққол ўзгаришлар тери орқали коронар аралашувдан 6 ой ўтгач кузатилди. 1-группа беморларида GLS $-17,79 \pm 0,15\%$ гача ошди, бу эса дастлабки кўрсаткичлар билан таққослаганда 5,74% яхшиланишни ташкил қилди. 2-группа беморларида ҳам GLS $-16,43 \pm 0,19\%$ гача кўтарилди (+4,45%), лекин яхшиланиш даражаси ҚД2сиз беморларга нисбатан пастроқ бўлди. Бу ҳолат ҚД2 билан боғлиқ бўлган метаболик бузилишларнинг кўпроқ намоён бўлиши ва миокард функциясининг тўлиқ тикланишига тўсқинлик қилиши билан тушунтирилади.

Шундай қилиб, ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, тери орқали коронар аралашув миокарднинг узунлама деформациясини яхшилашга ёрдам беради. GLS яхшиланиши, айниқса, субэндокардий толаларда тикланиш жараёнини акс эттиради, чунки айнан шу структуралар ишемик шикастланишларга энг кўп мойил. Аммо ҚД2 бор беморларда бу ўзгаришлар камроқ даражада намоён бўлади, бу метаболик бузилишлар миокард функциясига ҳали ҳам таъсир кўрсатаётганлигини билдиради. Кейинги тадқиқотларда дори терапиясини оптималлаштириш ва метаболик назоратни кучайтириш орқали миокард функциясини яхшилаш имкониятлари кўриб чиқиши мақсадга мувофиқдир.

Ангиографик текширувнинг асосий жиҳатларидан бири — коронар артерияларнинг кўп томирли зарарланишининг миокарднинг қисқариш қобилиятига таъсирини баҳолаш ҳисобланади. Шу мақсадда чап қоринча GLS кўрсаткичи тери орқали коронар аралашувгача, 1 суткадан сўнг ва 6 ой ўтгач ҳар хил томирлар зарарланган беморлар орасида таҳлил қилинди. GLS систолик дисфункциянинг сезгир маркери ҳисобланади ва у қон отиш фракцияси нормал бўлган ҳолатда ҳам миокард функциясидаги бузилишларни аниқлаш имконини беради (5-жадвал).

